

АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

А.Ж. Абдуллоев

БухДУ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д. (DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20093198>

Агрокластерлар фаолияти самарадорлиги унинг таркибига кирувчи кичик турдаги фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Шу билан биргаликда, агрокластерлар ташкил этилган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга эришилади. Ҳудудларда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали турли ижтимоий муаммоларни, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадлари базасини мустаҳкамлаш, мамлакат аҳолисини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади.¹ Жумладан, аксарият мамлакатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кластерли ёндашувдан фойдаланиш орқали агрокластерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миллий ва глобал даражадаги рақобатбардошлигини оширишга эришилмоқда.² Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожланишининг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, мамлакатда қанчалик агрокластерлар кўп ташкил этилган бўлса, ўша мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг глобал даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичи бошқа мамлакатларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган.³ Ушбу ҳолат бугунги кунда ҳар қандай мамлакат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, жумладан, миллий озиқ-овқат хавфсизлигига эришиши учун аграр соҳага кластерли ёндашув асосида ёндашиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этишнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, бу орқали қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишга эришилганлиги кўплаб илмий тадқиқотларда ўз аксини топган. Жумладан, қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этишни кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари базасини мустаҳкамлаш билан биргаликда, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби ижобий тенденциялар агрокластерлар фаолияти ташкил этилган мамлакатлар амалиётида намоён бўлган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кластерли ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

¹ Юнусова П.С. Зависимость конкурентоспособности продукции аграрного сектора регионов СКФО от формы хозяйствования // Региональные проблемы преобразования экономики. – 2020. – № 2 (112). – с. 34-40

² Куценко Е.С., Исланкина Е.А., Абашкин В.Л. Судьбы кластерных инициатив в России: оценки роли государства, соседства, возраста и инновационной среды. XVII апрельская международная конференция по проблемам развития экономики и общества. Т. 3. Издательский дом Высшей школы экономики. Москва, 2017. с. 400-405.

³ Хухрин А.С., Бундина О.И., Агнаева И.Ю., Толмачева Н.П. Развитие агропромышленных кластеров России: синергетический подход // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2014. – № 11. – с. 56-62

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи иқтисодий субъектларнинг хўжалик юритиш шаклини кластеризациялаш орқали соҳадаги мавжуд турли муаммоларни ҳал этишга эришилади. Жумладан:

биринчидан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотлар етиштириш билан шуғулланаётган аксарият аграр соҳа субъектлари кичик турдаги хўжалик юритиш шаклида бўлиб, улар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотларнинг сифатига қўйиладиган талаблар бўйича ягона тизим шаклланиб улгурмаган. Агрокластерни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, географик жиҳатдан бир ҳудудда кичик шаклда қишлоқ хўжалиги фаолияти юритаётган иқтисодий субъектлар фаолияти ўзаро бирлаштирилган ҳолда, ягона агроластерга тизимли равишда умумлаштирилади. Натижада улар фаолиятидаги таъминот занжирининг барқарорлиги таъминланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда, уларнинг сифатини бошқариш имкониятлари кенгайди;

иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлик мавсумида, айниқса, йиғим-терим ишлари авж олган пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш имконини берувчи омборлар етишмаслиги. Шу сабабли олинган ҳосилнинг салмоқли қисми сотиш учун бозорларга чиқарилади ва мева-сабзавотларнинг нархи кескин тушиб кетиши эҳтимоли вужудга келади. Уларнинг маълум бир қисми сақлаш учун тегишли шарт-шароитларнинг йўқлиги сабабли истеъмолга яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Натижада қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи хўжалик субъектлари олишлари мумкин бўлган даромаднинг бир қисмини йўқотишлари мумкин бўлади. Ҳудудларда ихтисослашган агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ-муддат сақлаш имконини берувчи йирик омборлар қурилиши орқали соҳа инфратузилмасини етарли даражада ривожлантиришга эришилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи хўжалик субъектлари олиши мумкин бўлган даромади ҳажмидаги иқтисодий зарарни камайиши билан биргаликда, агрокластернинг капитализациялашув даражасини ошириш имконини беради;

учинчидан, етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш бўйича имкониятларнинг чекланганлиги. Айниқса ҳосилдорлик шароитида маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни қадоқлаш бўлинмаларининг фаолиятига юкнинг ортиши натижасида маҳсулотларни тўлиқ қадоқлашга ёки қайта ишлашга улгурмайдилар. Ушбу ҳолатда ҳам маълум бир ҳажмдаги маҳсулотлар қайта ишлашга ёки қадоқлашга яроқсиз ҳолатга тушиб қолади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларнинг маълум даражада зарар кўришига олиб келади;

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ақлли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда агрокластерлар фаолиятини ташкил этишда ижтимоий-технологик ва инновацион агрокластер тамойилларидан фойдаланиш орқали амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига эришилади, деган хулосага келинди.

Агрокластер фаолиятини ташкил этиш зарурияти ва унинг тамойилларини тадқиқ этиш асосида уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича қуйидаги илмий хулосалар олинди:

- агрокластер фаолиятини ташкил этиш орқали мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

- агрокластер фаолиятини бошқариш рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади;

- агрокластер фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишда улар фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-технологик ва инновацион тамойилларига асосланилади;

- агрокластер фаолиятини бошқаришда давлат томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича тегишли чоралар кўриб бориш орқали глобал рақобатбардошлик даражасини оширишга эришилади.

Умуман олганда, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш орқали соҳадаги узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали бартараф этишга эришилади. Шу билан биргаликда, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ҳисобига жаҳондаги етакчи аграр-индустриал мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаш мумкин бўлади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Юнусова П.С. Зависимость конкурентоспособности продукции аграрного сектора регионов СКФО от формы хозяйствования // Региональные проблемы преобразования экономики. – 2020. – № 2 (112). – с. 34-40
2. Куценко Е.С, Исланкина Е.А., Абашкин В.Л. Судьбы кластерных инициатив в России: оценки роли государства, соседства, возраста и инновационной среды. XVII апрельская международная конференция по проблемам развития экономики и общества. Т. 3. Издательский дом Высшей школы экономики. Москва, 2017. с. 400-405.
3. Хухрин А.С., Бундина О.И., Агнаева И.Ю., Толмачева Н.П. Развитие агропромышленных кластеров России: синергетический подход // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2014. – № 11. – с. 56-62